

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 29 ноябрь, № 240 (6934) Чоршанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАЛАБЧАНЛИК, ТАРТИБ-ИНТИЗОМ, МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ — ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, департаментлар мудирлари, вазирлар, қўмита ва компаниялар раисларининг шахсий масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда Президентимиз қайд этганидек, бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўлмалли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан ижобий самараларга эришилмоқда. Шу билан бирга, аҳолини безовта қилаётган қўпгина муаммо ва камчиликлар ҳам ўз ечимини кутиб турибди. Одамларимиз эртага ёки узоқ келажакда эмас, балки бугун яхши яшашни, муносиб ҳаёт кечирishни истайдилар. Шунинг учун биз олиб борилаётган ислохотларни жадаллаштиришимиз, уларнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари. Шавкат Мирзиёев ўз сўзида кўн тартибдаги масалага чуқур таҳлил асосида танқидий ёндашиб, аксарият раҳбарлар томонидан тартиб-интизом ва масъулиятнинг бўшашириб юборилгани, улар ўз фаолиятини замон талаблари асосида ташкил эта олмаётгани,

хизмат вазифасига лоқайдлик ва бепарволик билан муносабатда бўлаётгани каби ҳолатлар умумий натижадорликка салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади. Мана, яқинда иш фаолиятимизга бир йил тўлади, аҳолимиз, бизга катта умид ва ишонч билдирган халқимиз олдида амалий ишларимиз билан ҳисобот бериш ва таъминоти билан яшаш, фидойилик ва жонқурлик кўрсатиш ижро ҳокимиятининг барча бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилари фаолиятининг асосий мезонига айланиши зарур, деди Президентимиз. Очик тан олиш керакки, биз ўз олдимизга қўйган, эл-юртимизга кутаётган натижаларга ҳали тўла эриша олганимиз йўқ. Бу борадаги ишларни фаоллаштириш, янги босқичга кўтариш мақсадида 27 ноябрь куни "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир

ўринбосарлари, ҳукумат аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг самарали ва натижали ишини таъминлаш, уларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси қайта шакллантирилиб, янги комплекслар ва вазирлик ташкил этилди. Қарорга биноан, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Таълим, соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплекси раҳбарлари лавозимлари киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожлантириш вазирлиги ташкил этилди. Ушбу муҳим ўзгаришларнинг сабаблари ҳақида сўз юритар экан, Президентимиз куйидаги фикрларга алоҳида ургу берди. Биринчидан, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани,

мамлакат ҳудудларини ривожлантиришнинг энг муҳим ва долзарб масалаларини ҳал этишнинг шакллари ва усулларини тубдан ўзгартириш зарур. Иккинчидан, жорий йил мобайнида вилоятлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳолининг турли қатламлари билан ўтақилган мулоқотлар натижалари бўйича ҳар бир ҳудуд, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини муаммоларини ҳал қилишга янада кенг эътибор қаратиш керак. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масаласи, биринчи навбатда, илм-фан, юксак технологиялар, замонавий инновацион ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш билан ўзвий боғлиқ эканини таъкидлади. Ва айна шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожлантириш вазирлиги ташкил этилганига алоҳида тўхталиб ўтди. Бизнинг саховати заманимиз ер ости ва ер усти бойлиқларига, инсон ресурсларига, билими ва юқори малакали кадрларга бой. Лекин, афсуски, биз мана шундай

улкан салоҳиятимиздан унумли ва самарали фойдалана олмаётимиз, деди Шавкат Мирзиёев. Йиғилишда иқтисодий соҳа ва тармоқларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, жумладан, қатъий пул-валюта сисъатини юритиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини кучайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, замонавий саноат корхоналари барпо этиш, янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, самарали солиқ сисъатини шакллантириш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, давлат статистикаси тизимини такомиллаштириш каби масалалар атрофича муҳокама қилинди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, ёшлар ва хотин-қизлар масалалари билан боғлиқ вазифаларга эътибор қаратди. Йиғилишда Президентимиз жорий йилда амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил қилиш асосида эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларнинг таъмирланмаслиги учун барча зарур чораларни кўриш, айна пайтда 2018 йилнинг биринчи чорагида бажариладиган аниқ вазифалар бўйича тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда пахтачилик тармоғини ривожлантириш, пахта тозалаш корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш рентабеллигини, шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳақиқий аҳоли ишлаб чиқариш жараёнини тезкор янгилаш ва модернизация қилиш, илғор технологиялар ва корпоратив бошқаруving замонавий услубларини жорий этиш, умуман, тармоқнинг жадал ривожланишига тўсиқ бўлаётган тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари етарлича жорий қилинмаганлиги оқибатида хом ашёни қабул қилиш, ташвиш ва қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни реализация қилиш жараёнини устидан лозим даражада ҳисобот ва назорат тизими мавжуд эмас. Пахта тозалаш корхоналарининг ресурс салоҳияти ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ўртасидаги номуаносибликнинг қўлайлиги, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини диверсификациялаш бўйича чораларнинг ўз вақтида қўрилмаганлиги ишлаб чиқариш қувватларининг анча қисми бекор туришига ва иқтисодий йўқотишларга олиб келмоқда. Пахтачилик тармоғи корхоналарини бошқариш тизимини, шу жумладан, фаолият юритаётган ташкилотлар тузилмасини оптималлаштириш орқали такомиллаштириш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида соғлом рақобатни ҳамда уларнинг самарали фаолияти учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларни яратиш талаб этилмоқда. Пахта хом ашёси сифат кўрсаткичларини аниқлашга нисбатан эскирган ёндашувларнинг қўлланилиши маҳсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳақидаги аниқ маълумотларнинг бузиб кўрсатилишига, бунинг оқибатида қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг норозилигига, тармоқнинг инвестициявий жозибадорлиги ёмонлашишига олиб келмоқда. Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош ва сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кенгайтириш, уларни йирик хорижий бозорларга янада олиб чиқиш, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ИЖТимоий-Иқтисодий ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Давлат ва жамяят қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, шунингдек, иқтисодий тизимни ривожлантириш ва либераллаштириш 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жорий йилнинг 28 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис «Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бошланди. Таъкидлаш жоиз, қуйи палатаниннг жорий йил 1 август куни бўлиб ўтган мажлисида ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Уни ишлаб чиқиш ташаббуси билан Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи чиққан. Қонун лойиҳасини парламент қуйи палатасида кўриб чиқиш учун тайёрлаш жараёнида кенг қўламда муҳокама қилиш мақсадида лойиҳа тегишли тақлиф ва тавсияларни олиш учун тегишли вазирлик ҳамда идораларга, ННТга юборилганлиги депутатлар томонидан таъкидлаб ўтилди. Бундан ташқари, лойиҳа жамоатчилик муҳокамаси учун парламент қуйи палатасининг parliament.gov.uz веб-сайтига, шунингдек, Экоҳаракатнинг eso.uz веб-сайтига, «Facebook» ижтимоий тармоғига жойлаштирилди. Натижада 250 дан зиёд тақлиф ва тавсиялар тақдим этилган бўлиб, улардан 18 таси

қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш доирасида маромига етказиш чоғида ҳисобга олинди. Хусусан, қонун лойиҳасида ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, қўлайтириш, тақрири қўлайтириш, қайта тиклаш, маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат сисъатининг мақсади, асосий йўналишлари аниқлаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ушбу соҳадаги ваколатларига тааллуқли модда киритилмоқда. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ўрмон бойлиқларидан оқилона ва эҳтиёткорона фойдаланишга, шунингдек, ўрмон фонди ҳамда муҳофаза этиладиган ҳудудларни самарали бошқаришга, ўрмон экинларини барпо этиш, тақрири қўлайтириш, муҳофазалаш ҳамда химоя қилишга имкон бериши депутатлар томонидан қайд этилди. Мажлис давомида депутатлар «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ

Мамлакатимиз Конституцияси ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида босқичма-босқич ва тизимли равишда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мустаҳкам юридик манбаи ҳамда ҳуқуқий кафолати бўлиб келмоқда. Шу маънода, унинг яратилиши жараёнини атрофича ўрганиш, мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил этиш юртимизнинг янги тарихини ўқиб-ўрганишнинг ажралмас қисми сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, Асосий Қонунимиз ишлаб чиқиши, қабул қилиниши ва ривожлантирилиши босқичлари мустақиллик тарихи билан бевосита боғлиқ.



ишлади, давлат сисъатини юритиш ботида юксак маҳорат мактабин ўтади. Аниқ айтиладиган бўлса, парламент депутаты, Мандат комиссияси раиси, Конституциявий комиссия аъзоси сифатида Асосий Қонунни ишлаб чиқиш билан боғлиқ барча жараёнда унинг ёнида туриб, изчил фаолият юритди. Асосий Қонунимизни яратиш, қабул қилишдаги иштирокини 4 йўналиш бўйича таҳлил этиш мумкин. Аввало, Ўзбекистон Олий Совети депутати сифатида фаолият юритган бўлса, иккинчидан, Ўзбекистон Олий Совети Мандат комиссияси раиси сифатида самарали ишлади. Ўзбекистон Олий Совети Конституциявий комиссияси ҳамда Конституциявий комиссия 6-иши гуруҳи аъзоси сифатида ҳам фаолият олиб борди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, 1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди. Конституциянинг яратилиши ҳамда ҳаётимизга таъбиқ этилишида замонамизнинг буюк давлат арбоби Ислам Каримовнинг хизмати беқиёс эканини барчамиз яхши биламиз. Уша тарихий онларда Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам самарали меҳнат қилди. "...Мен ҳам Конституциявий комиссия таркибиде Бош Қомусимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этганимни доимо фахрланиб эслайман. Конституцияимизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кенг қизгин тортишув ва баҳс-

мунозаралар бугунгидек ёдимда", деган эди Президентимиз. Юртимизимиз Асосий Қонунимиз истиқлол арафасида ишлаб чиқилиши ҳамда мустақилликнинг илк йилларида қабул қилиниши даврида ҳам, уни ривожлантириш ва унда белгиланган энг муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этишида ҳам Биринчи Президентимизнинг ёнида туриб, елкама-ёлка бирга

САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИ КЎЗГУСИ

Эркин иқтисодий зоналар — мамлакат инвестициявий жозибадорлиги кўзгуси. Мазкур омил ушбу манзилларда ишлаб чиқариш қувватларининг халқаро интеграциялашуви ҳамда бозор соҳабаси кенгайишига хизмат қилади. Қолаверса, бу иқтисодийнинг замон талабларига мослашуви, ишлаб чиқаришнинг юқори технологиялар билан жиҳозланиши имконияти ҳам демакдир.

Юртимизда илк эркин иқтисодий зонага 2008 йили Навоий шаҳрида асос солинган барчамизга маълум. Бу ерда ташкил этилган ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти инновацион лойиҳалар асосида рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаб, ташқи бозорга чиқаришга йўналтирилган. Маскандан чет эл сармояларини жалб қилиш, улар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш, ҳуқуқларини муҳофаза этиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилаётди. Натижада шу кунгача "Навоий" ЭИЗда 22 лойиҳани ўз ичига олган 17 та саноат субъекти фаолияти йўлга қўйилиб, жами 129,2 миллион АҚШ долларилик инвестиция киритилди. Шундан салкам 30 фонзи тўғридан-тўғри чет эл сармояларидир. Хўш, маҳсулот рақобатдошлиги нимада намоён бўлади? Аввало, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмида! Худудда эса бу борада қўлга киритилган ютуқлар салмоқли. Масалан, маҳсулот тайёрлаш кўрсаткичида юқори ўсish суъратларига эришилди. Экспорт миқдори ҳам ўтган йили 2014 йилдагига нисбатан уч баравар ортган.



Бахтиёр АХРАМОВ олган сурат.

Ўзбекистоннинг Германиядаги янги элчиси Федерал Президентга ишонч ёрлиқларини топширди

Берлинда Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Факулдада ва мухтор элчиси Набижон Қосимов Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайерга ишонч ёрлиқларини топширди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимдан кейин кенган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Ўз навбатида, Федерал Президент ГФР Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим шерик сифатида қарашини ҳамда кенг қамровли масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар ижобий тусда эканлиги эътироф этилиши баробарида, икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлиги айтиб ўтилди. ГФР Федерал Президенти ҳамкорлик алоқалари янада фаоллаштиришга умид билдирар экан, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига муваффақиятлар ҳамда фаровонлик тилади.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу хусусда сўз борганда, 1990 йил 18 февралда халқ депутатлари Ўзбекистон Олий Шовитига бўлиб ўтган сайловда 9 миллион 385 минг 740 нафар аҳоли ёки рўйхатга олинган сайловчиларнинг 98,5 фоизи иштирок этганини айтиш лозим. Табиғийки, бундай юксак даражадаги ижтимоий-сиёсий фаоллик жамият ҳаётидаги мурак-

Давр қончилиги кўра, сайлов натижалари, депутатларнинг сифат таркиби ҳақида батафсил маълумотлар Олий Совет сайлайдиган Мандат комиссияси томонидан эълон қилинар, депутатлар ваколатларини аниқлаш учун зарур бўладиган барча ҳужжатни ҳам сайлов комиссияси мазкур комиссияга топширади. Шу боис 1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган иккинчи чакриқ Ўзбекистон Олий Совети

Конституциявий комиссия томонидан лойиҳа 2 йилдан ортиқ вақт мобайнида тайёрланди. Конституциявий комиссия ўзининг тўла таркибидан уч марта мажлис ўтказди. Уларнинг барчасида Президентимиз қатнашди. Биринчи мажлисда Асосий Қонунимиз лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича 32 кишидан иборат Конституциявий комиссия Ишчи гуруҳи тузилган.

Шундай қилиб, Юртбошимиз ўз даврида қонун чиқарувчи ҳокимият намояндаси, парламент депутати, Мандат комиссияси раиси, Конституциявий комиссия аъзоси, ишчи гуруҳ эксперти сифатида Асосий Қонунимизни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашган бўлса, кейинги чорак аср давомида ижро этувчи ҳокимият тизими поғоналарида самарали фаолият юритиб, консти-

иқтисодий, ижтимоий соҳалар ва хавфсизликни таъминлаш бўйича бешта устувор йўналишда аниқ мудиатга мўлжалланган том маънодаги миллий стратегия ҳисобланади. Конституцияимизда белгилаб берилган қоида ҳамда тамойиллар негизда мамлакатимизда самарали миллий қонунчилик тизими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланиб, ҳаётимизнинг барча соҳа ҳамда тармоқларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилганлиги, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалиб, халқимизнинг онгу тафаккури тобора ўсим бораётгани, айниқса, аҳамиятлидир.

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги ошмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси мажлисида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Тошкент шаҳар идоралараро комиссияси ахбороти тингланди. Унда сенаторлар, прокуратура тизими ходимлари, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика ҳамда Тошкент шаҳар идоралараро комиссиялари аъзолари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини юксалтириш жамият равнақи ва барқарорлигининг асосий шартларидан саналади. Бинобарин, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури бунда муҳим омили бўлаётди.

Дастур доирасида комиссия томонидан пойтахт аҳолиси ўртасида мингга яқин учрашувлар ва давра сўбатлари ўтказилди. Бундан ташқари, давлат органлари ходимлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида мавзу юзасидан мунтазам равишда семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Хар ҳафта Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунда маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтадиган "Маънавият соатлари"нинг катта қисми коррупция ва унинг оқибатлари, тараққиётга дов бўладиган бу иллатни таг-томири билан бартараф қилиш, бунинг учун одамларда қонунга ҳурмат ҳамда иттифоқкорлик ҳиссини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланапти. Шунингдек, адлия, статистика, молия, солиқ, боғжона тизимлари ходимлари ўртасида давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари мазмун-моҳияти кенг тушунирилмоқда.

Комиссия томонидан коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни тугатиш мақсадида ҳуқуқ-тарғибот тадбирлари ҳам изчиллик касб этаётди. Оммавий ахборот воситаларида бу борада чиқишлар қилинапти. Тадбирда Тошкент шаҳар прокуратурасининг уюшган жиноятчилик ҳамда коррупцияга қарши курашиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларни бузилишининг ҳамда иқтисодиётга зарар етказишининг олдини олиш, ҳокимият ва бошқарув органлари мансабдор шахсларнинг коррупцияга ҳамда мансабни суистеъмол қилишга қарши курашиш соҳасида олиб бораётган амалий ишлари ўз натижасини бераётгани айтиб ўтилди. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида пойтахт прокуратураси томонидан кўзга ташланган ва судга оширилган жиноят ишлари сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 26 фоиз, жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар сони эса 39 фоиз камаяпти. Тергов қилинган жиноят ишлари яқини бўйича ҳар бир қонунбузарлик ҳолати юзасидан тегишли идораларга тақдирномалар киритилди.

Қўмита мажлисида сенаторлар коррупцияга қарши курашиш соҳасида бир қатор мутасадди идоралар ҳамда таъкилотлар сўқашликка йўл қўётганини таъкидладилар. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорликни таъминлашга етарлича аҳамият берилмапти. Тадбир якунида тақдир ва тавсиялар билдирилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Фарида МАҲКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ

кабликларга қарамадан халқ бирдамчилигини таъминлаш бўлса, иккинчи томондан, фуқаролар ишончи ва муҳаббатига сазовор, ҳақиқий жонқур инсонлар сайланишида муҳим омили бўлди.

Замон талаблари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Олий Советига сайлов ўтказилганда янги Қонун асосида ўтказилган сайловда Тошкент шаҳар, Қорасув сайлов округидан номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёев депутат сифатида сайланди. Эътиборли жиҳати шундаки, ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Олий Совети депутати эл-юртимиз тарихида гоёт улкан аҳамиятга эга қарорлар қабул қилган. Хусусан, парламент аъзолари иштирокида собиқ Иттифоқ ҳудудида биринчи бўлиб 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Президент лавозими таъсис этилди. Айни чоғда 1990 йил мартда Ўзбекистон тарихида бўлмаган янги орган — Конституциявий назорат қўмитасига асос солинди. Ҳа ҳафта Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунда маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтадиган "Маънавият соатлари"нинг катта қисми коррупция ва унинг оқибатлари, тараққиётга дов бўладиган бу иллатни таг-томири билан бартараф қилиш, бунинг учун одамларда қонунга ҳурмат ҳамда иттифоқкорлик ҳиссини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланапти. Шунингдек, адлия, статистика, молия, солиқ, боғжона тизимлари ходимлари ўртасида давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари мазмун-моҳияти кенг тушунирилмоқда.

биринчи сессиясида депутатлар биринчи навбатда 24 кишидан иборат Мандат комиссияси таркибини сайлаб олишди. Депутат Шавкат Мирзиёев ушбу комиссия раиси этиб сайланди.

Ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Олий Совети биринчи сессиясида Конституция лойиҳасини тайёрлаш учун комиссия тузиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари Шароф Рашидов давридаги республика партия ташкилоти фаолиятига берилган сиёсий баҳони қайта қўриб чиқиш ҳамда тегишли махсус комиссия ташкил этиш ва Ўзбекистон ССР Президентини сайлаш ҳақидаги муҳим масалалар муҳокама қилиниди ва тасдиқланди.

Ўзбекистон Олий Советининг 1990 йил 20 июндаги қарори билан Биринчи Президентимиз раислигида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссия тузилди. Шавкат Мирзиёев унинг таркибидан фаол иштирок этди. Шу тариқа Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги "Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси ҳамда Конституциявий комиссия таркиби"га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори билан мазкур комиссиянинг 71 нафар аъзодан иборат янги қилинган таркиби тасдиқланди.

Мазкур гуруҳ аъзолари Асосий Қонунимиз лойиҳасининг сўнгги бўлимига тегишли якуний қоидаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланди. Якуний қоидаларда, аввало, Конституцияни ўзгартириш тартибини, унинг қучга киришига доир нормаларни, Ўзбекистон пойтахти ва давлат рамзларига тегишли моддаларни акс эттириш кўзда тутилганлиги. Шу ўринда ушбу ишчи гуруҳ томонидан илгари сурилган конституциявий нуқсонлик соҳасидаги янги бир ташаббус қандай рўбга чиққани ҳақида мухтасар тўхталмоқчимиз. Гап шундаки, собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистоннинг пойтахти ҳамда давлат рамзларига доир моддалар 1978 йилги Конституциянинг охириги бўлимида берилган эди.

Гуруҳ аъзолари давлат пойтахти ва рамзлари мустақил давлатнинг мўқаддас тимсоллари эканини ҳисобга олиб, уларга доир қоидаларни Асосий Қонун лойиҳасининг Биринчи бобига ўтказиш ташаббуси илгари суриди. Комиссия томонидан маълум қилинган ушбу ташаббус икки марта ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида кенг жамоатчилик тасдиқланди. Натижада Конституцияимизнинг 5-моддасида давлат рамзлари — байроқ, герб ва мадҳияга доир норма, 6-моддасида пойтахтимиз — Тошкент шаҳрига тегишли қоида мустаҳкамлаб қўйилди.

туциявий нормаларни ҳаётга изчил татбиқ этишда муносиб ҳиссасини қўшди.

Бугунги кунда Президентимиз, Конституцияимизнинг 89-моддасига асосан, давлат бошлиғи сифатида давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ва ҳамкорлигини таъминлаб келмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган Харакатлар стратегияси, ўз моҳиятига кўра, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда давлат ҳамда жамият қурилиши соҳасидаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ,

Шунингдек, Асосий Қонунимиз жаҳон конституциявий тажрибасига кенг таяниши ва ижобий томонлардан атрафила қўйилганлиги билан ажралиб туради. Уни мустақил давлатимиз раҳбарининг ҳуқуқий қафолати даражасига қўтарувчи муҳим белги шуки, мазкур ҳужжатда жаҳоннинг бу борадаги илгор тажрибаси миллий-маънавий ва ҳуқуқий қадриятларимиз, ўзбек халқи бой тарихига уйғун ҳолда қўлланилган.

Умуман олганда, Конституцияимиз яратилиши тарихи шундай ўзига хос курашларга бой бўлган. Зотан, Конституцияни яратиш тарихи, бу — мустақиллик учун, конституциявий суверенитет учун курашнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, юридик фанлар доктори, профессор.

ҲАМКОРЛИК

Кеча тонгда Самарқанд халқаро аэропортида Туркия давлатидан келган бир гуруҳ журналистлар тантанали равишда кутиб олинди. Ушбу саёҳат Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 25-26 октябрь кунлари Туркия Республикасида давлат ташрифи чоғида эришилган келишувга мувофиқ уюштирилди.

САМАРҚАНДГА САЁҲАТ

туркиялик журналистларда унутилмас таассуротлар қолдирмоқда

Аввало, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, яқиндан бошлаб "Самарқанд — Истанбул — Самарқанд" йўналиши бўйича тўғридан-тўғри парвозлар йўлга қўйилиши нафақат юртдошларимиз, балки мамлакатимиздаги дунёга машҳур осориётқаларни кўриш орсусидаги туркиялик сайёҳлар учун ҳам кенг имконият яратди.

Сафар давомида туркиялик журналистлар Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасалари, Амир Темури мақбараси, Шоҳи Зинда ҳамда Имом Мотуридий мажмуаларини зиёрат қилишди. Ушбу манзилларда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди. Шунингдек, ҳунармандларимиз қўлида сайқал тонган бетакорор буюм ва ашёлар уларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди.


— Кўҳна ва навқирон Самарқанд биз кутганимиздан ҳам кўра гўзал ҳамда маҳаббатли экан, — дейди Туркиянинг "TRT World" телерадиокомпанияси журналисти Сиван Эрол Пертев. — Бу буюк аждодлариниг юксак ақл-заковатидан далолат. Юртингизда бизни алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олишди. Ватанимизга қайтган, албатта, мазкур афсонавий диёр, унинг қадимий тарихи, меҳмондўст одамлари ҳақида кўрсатувлар тайёрлайман.

Меҳмонлар 29 ноябрь кuni "Афросиёб" теъзорар поевзида Бухорога саёҳат қилди.

Ринат АБДУЛЬМАНОВ, ўз мухбири.

ЎТМИШНИНГ БУОҚ МЕРОСИ — МАЪРИФАТЛИ КЕЛАЖАҚ ПОЙДЕВОРИ

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида халқимизнинг бой ўтмиши, маданий меросини чуқур ўрганиш ва асраб-авайлаш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатлар ҳамда эллатлар, диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни ва юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳамда мавқени мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.



Турли миллатлар ҳамда эллатлар, диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни ва юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳамда мавқени мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

ФОРУМ

Бинобарин, истиқлол туфайли халқимизнинг бой-тарихи ва маданиятининг ажралмас қисмини ташкил этадиган, маънавий тараққиётимиз учун гоёт муҳим аҳамиятга эга бўлган қадимий қўлёмалар, санъат асарлари, осориётқаларни сақлаш, уларни илмий тадқиқ қилиш, юртимиз ҳамда жаҳон жамоатчилиги ўртасида тарғиб этиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, бундай ноёб тарихий-маданий ашёлар нафақат халқимиз маданиятининг нодир дурдоналари, балки жаҳон миқёсидаги йирик коллекциялар ҳисобланади.


Айни вақтда аҳоли, хусусан, ёшларимизни ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд қилиш, тарихимиз ва маданиятимизнинг номалум саҳифаларини чуқур ўрганиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида ибратли ишлар олиб борилмапти.

Бу ҳақда кеча пойтахтимизда иш бошлаган "Ўзбекистон маданий

мероси" мультимедиа лойиҳаси доирасида "Замонлар чорраҳаси: ўтмишнинг буюқ мероси — маърифатли келажак пойдевори" мавзусидаги халқаро мавзундаги форумнинг очилиш маросимида алоҳида таъкидланди.

Мазкур форум Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вақарлиги, Фанлар академияси, Қонрад Аденауэр номидagi жамгарманинг Марказий Осиёдаги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди. Дунё илм-фанининг етакчи вакил-

лари, музейлар, кутубхоналар, илмий институтлар ва бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари, маҳаллий олимлар ҳамда экспертлар қатнашган тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев, Ўзбекистон Республикаси маданият вақари ўринбосари К. Оқилова, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари



Маданият вақари ўринбосари С. Сафоев, Ўзбекистон Республикаси маданият вақари ўринбосари К. Оқилова, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари

вақифасини бажарувчи Д. Бадарч ва бошқалар мазкур форумдан кўзда тутилган мақсад халқимизнинг бой маданий меросини кенг миқёсда тарғиб этишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга эканигини таъкидладилар.

Лойиҳа доирасидаги янги туркум — "Шарқ ёзма ёдгорликлари дурдоналари"нинг тақдими ўтказил-

ди. Анжуманда Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёмалари институти ҳамда Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган бебаҳо қадимий қўлёмаларнинг фақсимиле нусхаларини Ўзбекистонга топшириш маросими бўлиб ўтди. Мазкур қўлёмалар нусхалари ўзига хос технологиялар асосида, қўл меҳнатидан фойдаланган ҳолда, махсус қоғоз ва ҳақиқий олтиндан тайёрланган. Шунингдек, "Ўзбекистон маданий мероси — дунё тўпламларида" туркумида нашр қилинган навбатдаги бешта китоб-альбом ҳамда мавзу доирасида тасвирга олинган ҳужжатли фильмлар тақдими ҳам ўтказилди. Шу муносабат билан 2500 донна китоб-альбомни мамлакатимиз ва жаҳондаги йирик кутубхоналар, музейлар, шунингдек, таълим муассасаларига бегараз асосда топшириш бўйича гуманитар акция уюштирилди.

Медиафорум доирасида Ўзбекистон мусика санъати оқими, қолаверса, Ўзбек мусика санъатининг XX аср бошларида ёзиб олинган ва яқинда қайта тикланган илк аудиоёзувлари тақдими бўлиб ўтди.

Россия Фанлар академиясининг Шарқ қўлёмалари институтида сақланаётган, хусусан, Курьони каримнинг Катта Лангар нусхаси, Хусайн Бойқаро девони сингари Ўзбекистонга оид бир қанча қўлёмаларнинг бебаҳо фақсимиле нусхалари Ўзбекистон ҳукумати тақдим қилинди.

Икки кунга мўлжалланган халқаро медиафорум давомида санъат усталари, Ўзбек миллий умумтоқ мусикаси ижрочилари иштирокидаги концерт дастурлари намойиш этилади, шунингдек, "Ўзбекистон мусикаси мероси" китоб-альбомининг тақдими ҳам бўлиб ўтади.

Маъжус ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИ КЎЗГУСИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Президентимизнинг 2017 йил 7 августдаги "Эркин иқтисодий зоналар вакилликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни қучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 25 октябрдаги "Эркин иқтисодий зоналар ва қичқ саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари барча жаҳонда камраб олган дастуриламал бўлапти, — дейди "Навоий" ЭИЗ директори Азамат Файзиев. — Уларга кўра, бундай манзилларда кластер ёндашувлардан кенг фойдаланган ҳолда, иштирокчилар ўртасида яқин кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, маҳаллий ҳом ашё ҳамда материаллар асосида рақобатдош тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича илгор корхоналар ташкил қилиш кўзда тутилган. Қолаверса, ҳудудда жойлашган саноат субъектлари, инфратузилма объектларидан янги иш уринлари яратиш, шу асосда аҳоли бандлиги ҳамда даромадини ошириш-

дек устувор вақифаларнинг аниқ механизми ва ижрочилари белгиланган. Албатта, мазкур ҳужжатлар мамлакатимизда ЭИЗлар учун тақдим этилган имтиёз ҳамда преференциялардан фойдаланаётган ҳар бир қатнашчи масъулиятини янада оширмоқда.

Халқаро тажрибадан маълумки, эркин иқтисодий зоналар маҳаллий кадрлар салоҳиятини юзага чиқарувчи субъектлар ҳамдир. Улар муттасил тақомиллашув ва бозор мезонини янада тездек мослашувни талаб қилади. Айниқса, телекоммуникация соҳасидаги шиддаткор янгиланиш бунинг эркин ифодаси. Чунонки, 2010 йил "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясини, "Telmax Elektroniks" ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда Сингапур давлатининг "Servetechno Pte. Ltd." компаниясини ҳамкорлиги натижасида ташкил этилган "Telecom Innovations" қўшма корхонаси дастлаб фақат DVB-T стандартидаги рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи қурилмалар тайёрлаган бўлса, 2012 йилдан "ZTE" корпорацияси билан ҳамкорликда ADSL-модемлар, кенг поласали тармоқдан фойдаланган DSLAM қурилмалари, IPTV (Set-Top-Box)нинг истеъмол бозори га тақдим этди. Бинобарин, 2015 йилдан корхона маҳсулотлари тури қўлайиб,

"Servetechno. Pte. Ltd." компанияси билан ҳамкорликда Android Smart TV BOX қурилмалари тайёрлаш ўзлаштирилди. Утган йили эса DSLAM телекоммуникацион қурилмаларнинг оптик элементлари ишлаб чиқарила бошланди.

— Маҳсулотларимиз рақобатдошлигини ошириш, истеъмолчилар талаб-истакларини тўлақонли қаноатлантириш, маҳаллийлаштириш даражасини кенгайтириш мақсадида ISO — 2009 стандартлари асосида сифат менежмент тизимини жорий қилгандик, — дейди қўшма корхона бўлим бошлиғи Баҳодир Рустамов. — Айни пайтда эса қўзғалаган марраларимиз янада юксак. Энди мақсадимиз ISO — 2015 стандартлари асосида харидорнинг маҳсулотлар тайёрлашдан иборат. Ҳозир бу борада қизғин иш олиб бораляпти.

Дарҳақиқат, "Telecom Innovations" фаолиятида қайд этилаётган ўсиш суръатлари барқарор. Бу ерда модернизация ҳамда лойиҳаларни босқичдаги қайта таъбиқ қилинапти. Зеро, телекоммуникация қурилмаларининг янги-янги авлодини ўзлаштириш — давр талаби. Мисол учун, оптик талаби тармоқлар учун хар хил турдаги оптик муфтлар тайёрлаш импорт ўрнини босади ва ички бозорда улар нархининг

арзонлашувини таъминлайди. Умумий қиймати 500 минг АҚШ доллари га тенг ушбу лойиҳа қўшимча иш уринлари яратиш имконини бериши билан ҳам қатъи аҳамиятга эга.

"Навоий" ЭИЗдаги "UzEaeCable" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасига эса 2010 йилда асос солинган. Корея Республикаси ҳамда Италиянинг етакчи компаниялари технологиялари асосида жиҳозланган мазкур саноат субъектида автоматизациянинг электр тизимига мўлжалланган сим, шунингдек, аккумулятор жгути ва электрогенераторлар ўрамини эмалланган сим ишлаб чиқарилади. — Айни кунларда "MAN" автомобиллари учун ҳам электр симлари тайёрлашни ўзлаштириш ҳаракатида, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ориф Шамсиев. — Бу орқали "Завтосаноат" таркибидagi автоматизация заводлари эҳтиёжларини тўлиқ таъминлашни режалаштирганмиз. "UzEaeCable" — автосимларни текширувчи лаборатория ускуналари билан жиҳозланган Марказий Осиёдаги ягона корхона. Бу ерда тайёрланган маҳсулот 27 мезон асосида чуқур текширувдан ўтказилган. Унинг 2015 йилда "GMнинг энг яхши таъми-

нотчиси" муқофоти билан тақдирланиши боиси ҳам шунда.

"Навоий" ЭИЗдаги минтақавий аҳамиятга эга корхоналардан яна бири Ўзбекистон ҳамда Хитой ишбилармонлари ҳамкорлигида ташкил этилган "HAYAT POWER CABLE SYSTEMS" қўшма корхонаси. Бу ерга ўрнатилган дастгоҳ ва қурилмалар Хитой, Туркия, Финляндия каби мамлакатлардан келтирилган. Шу боисдан улар ёрдамида тайёрланаётган турли қувватларга бардошли кабель маҳсулотлари буюртмачилари сони кундан-кун ортаёпти.

Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Ҳозирги кунда эса "Навоий" ЭИЗда умумий қиймати 37,8 миллион АҚШ доллари га тенг иккита истиқболли лойиҳа доирасида кенг қўламли қурилиш жараёни давом этмоқда. Имконият изланишига йўл очади. Интилиш эса ютуқлар пойдевори. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари асосида "Навоий" эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган янгиликлар юртимиз иқтисодий салоҳиятини, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Темур ЭШБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Соғлом, фаровон ва осуда ҳаёт инсон учунгинагина бойликдир. Тиббий нуқтаи назардан, озиқ-овқат рақсониди балиқ маҳсулотлари бир йилда ўртача 11-12 килограммни ташкил қилиши бу йилда муҳим омил бўлиб, унинг бош мия фаолиятини яхшилаш, юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, организмдаги моддалар алмашинуви жараёнида аҳамияти ниҳоятда катта. Қолаверса, балиқ эндокрин хасталиклар профилактикасида муҳим восита ҳисобланади. Уни ва мойи фармацевтика ҳамда омикта ем саноатининг муҳим хом ашёси бўлган балиқнинг айрим йирим турлари терисидан пойабзал, сумка ва бежирим камарлар ҳам тайёрлаш мумкин.

— Балиқ жигаридан олинган май жуда шифобахш, — дейди доришунос Доно Хужаева. — Унинг таркибиди А ҳамда Д витаминлари раҳит, сил касалликлари ва шабқурилиқни олдини олишда катта ёрдам беради. Шунингдек, синган суяк битишини тезлаштириб, куйиш асоратларини бартараф этишда ҳам қўл келади. Чақалоқларнинг соғлом ўсишида балиқ мойининг ўрни беқуб.

Юртимизни туризм марказларидан бирига айлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилган. Мўйноқ туманидаги "Кўксув" қўли бўйида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган маҳоратли ошпазлар иштирокида "Орол балиқларидан 99 тур таом" халқро гастронимик фестивали ўтказилди. Унда қатнашган ошпазлар томонидан дунёнинг Қозоғистон, Россия, Германия, Бельгия, Жанубий Корея, Хитой, АҚШ каби қўллаб давлатларидан таширғи буюрган сайёҳларга балиқдан 99 та эмас, 112 хил таом тайёрлаб, намойиш этилди.

Бундан кўра, балиқчилик меконхона, фармацевтика, сайёҳлик каби ижтимоий йўналишлар равангага ҳам катта туртки беради. Шу маънода, балиқчи "Сув остидаги хазина", десак, айни мундадир.

Албатта, Ўзбекистоннинг океан ёки денгизлардан йироқлиги аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтижини қаноатлантиришда омилкорликни тақозо қилади. Шу сабабли, айниқса, охириги йилларда ишга солинган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, ушбу хазинани юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг учун мустақам ҳуқуқий асос яратилмоқда.

Хўш, айни пайтда республикамизда бу борада қандай амалий чора-тадбирлар кўриляпти? Истиқболдаги режалар нималардан иборат? Кутилятган натижалар-чи?

Тармоқ истиқболи

Очиғи, яқин-яқингача мамлакатимизда балиқчилик тармоғи маълум маънода эътибордан четда қолятган эди. Ваҳоланки, тармоқни ривожлантириш учун етарлича сув ресурслари маъжуд. Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазирлиғи маълумотларига кўра, айни пайтда юртимизда балиқчилик ҳўжалиғини қоритиш мумкин бўлган сув хазаларининг умумий сатғи қарийб 400 минг гектарни ташкил этаётгани бунга мисолдир.

— Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 майда "Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган айни мундао бўлди. Унга мувофиқ, тармоқда мутлақо янги тизимга асос солинди, — дейди "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси раиси ўринбосари Шўхрат Раҳматов. — Натижада чавоқларни етиштиришдан тортиб балиқлар учун юқори оксилли озўқалар ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш,

900 га яқин янги балиқчилик ҳўжаликлари барпо қилинди.

Бугунги кунда дунё балиқчилик саноатида суний хазалардан фойдаланиш жараёни ҳам жадал оммалашиб, истеъмол учун етказиб берилётган балиқ ҳамда денгиз маҳсулотларининг асосий қисми уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Эндиликда хорижий тажрибаларни ўрганиш, интенсив технологияларни кенг жорий этиш ва балиқ етиштиришнинг юқори технология усулларидан фойдаланишни даврининг ўзи талаб қилаётир.

ҳам юқори самара беришига ишонаман. Келгусида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, креветка, қисқичбақа каби импорт ўрнини босувчи денгиз маҳсулотларини етиштириш лойиҳаларини ҳам амалиётга татбиқ этмоқчимиз.

Республикамизга интенсив усулда балиқ етиштириш технологияси жадал кириб келиши аҳоли дастурхонини сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлашда қўл келади.

— Тўдақўл сув омбори ҳавзасида Вьетнам технологияси асосида йилига

бари Отабек Қурбонов. — 200 грамм балиқ чавоғи 75 кунда 1,5 килограмм тош босди. Бунинг яна бир афзаллиғи балиқлар шоллидаги ҳашаротлар ҳамда ёввойи ўсимликларни истеъмол қилади. Натижада кимёвий препаратларга сарфланган маблағни ҳам тежаб қолдик.

Ҳисоб-китобларга кўра, бир гектар майдонда шולי ва балиқ етиштириш учун ерни текислаш, уруғлик ҳамда чавоқ сотиб олиш, минерал ўғитлар ва омикта емга тахминан 12 миллион сўм атрофида маблағ сарфланаркан. Парварииш

дош. Пировардида балиқчилик билан шуғулланувчи ташаббускор юртордошларимиз янги-янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришга интильмоқда.

Минбулоқ туманидаги "Ҳотамобод" фермер ҳўжалиғи раҳбари Фазлиддин Мамадалиев ана шундай изланувчан тадбиркорлардан бири. У бундан беш йил аввал Марказий Фарғонаниннг қўл ҳудудида 105 гектар ерни ўзлаштириб, лўқмаи халол етиштиришни йўлга қўйган эди. Ҳозирги кунга келиб, унинг 2-3 километр жойдан сув тортиб келиб ташкил қилган 15 та суний қўлида балиқ парваришланмоқда. Утган йили ҳўжалиқнинг истеъмол бозорига етказиб берган парҳез маҳсулоти 120 тоннадан ортди. Бу йилги мавсумда 200 тонналик марранни забт этиш кўзда тутилган.

— Ҳўжалиқни оёққа тургазиш баробарида, соҳа ривожини билан боғлиқ муаммоларни ҳам ҳал қилиб боришга тўғри келаяпти, — дейди Ф. Мамадалиев. — Масалан, парваришланётган балиқ учун протеин ва бошқа витаминлар билан тўйинтирилган маҳсул озўқа этила-ди. Амалда бизга тавсия қилинган омикта емнинг тўйинлиғини ҳамда натижадорлиғи ҳаммиша белгиланган даражада бўлавермайди. Бунинг устига таъминотдаги узиллишлар балиқларнинг ривожини ортга суради. Шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадига самараси юқори бўлган озўқа маҳсулоти тайёрлаш лойиҳасини ишлаб чиқиб, ижросини ниҳойисга етказаялмиз. Таркиби бўғдий, макка-жўҳори, арпа, шולי қилғи, антоқ, соя сингари 12 турдаги хом ашёдан иборат бўлган маҳсул озўқа балиқ ривожини сезиларли даражада тезлаштиришдан ташқари, маҳсулдорликни 30 — 50 фоиз кўтарди.

Янги турдаги озўқа хориқнинг замонавий технологияси ёрдамида ишлаб чиқарилади. 1,5 миллиард сўм сармоя эвазига Хитойдан келтирилган дастгоҳ ва узкунлар ёрдамида соатига 5 тонна, кунига 100 тоннадан ошириб маҳсулот тайёрлаш мумкин. Маълумот учун айтиш лозимки, оймаги 3000 тоннадан ортдаган озўқа вилоятдаги маъжуд балиқчилик ҳўжаликлари эҳтижини бемалол қоплайди. Маскур йўналишни яқин кунлар ичиди ҳаракатга келтириш мўлжалланаяпти.

Вилоятдаги балиқчилик ҳўжаликлари фаолиятини мўвофиқлаштириб келаятган "Наманганбалиқсаноат" масуулияти чекланган жамияти шаклидаги уюшма бундай ташаббусларни қўллаб-қувватламоқда. Айни чоғда уюшма томонидан маҳсулот экспортини қўлайитириш, балиқ таомларини тайёрлашга иктисослаштирилган ошоналар ҳамда маҳсул балиқ бозори ташкил этиш сингари вазифаларни ўз ичига олган лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилаяпти.

Бундан ташқари, шу кунларда "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси томонидан республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бир қатор корхоналар ташкил қилинмоқда. Хусусан, Еёвонда хитойлик мутахассислар иштирокида балиқлар учун озўқа етказиб берувчи корхона қўрилди. "Фарғонабалиқсаноат" масуулияти чекланган жамияти ва Хитойнинг "Xialong Siliao" компанияси билан имзоланган меморандумга мувофиқ, барпо қилинган корхонада соатига 4 — 8 тонна грануляштирилган омикта ем тайёрлаш имконияти вужудга келди.

Балиқчилик тармоғининг раванки нафақат иктисодий тизим ривожини учун, балки аҳолига парҳезбоп ҳамда витаминларга бой маҳсулотлар етказиб бериш ва уларнинг бандлигини таъминлашда ҳам айни мундадир. Шундай экан, маскур йўналишдаги ҳар бир ҳаракат жуда муҳим. Натижага эса омилкорлик билан эришилади.

Дилшод ЎЎМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБИҲАЁТНИНГ БЕБАҲО ИНЪОМИ

Балиқчиликни ривожлантиришдаги янги саҳифа.

Вьетнам технологиясининг афзаллиғи нимада?

Давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятига сафарни чоғида Хива туманидаги "Болтабой оксоқол" фермер ҳўжалиғи мисолида балиқчиликда Вьетнам технологиясини қўллаш орқали парҳез маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ҳажминини қўлайитириш юзасидан бир қатор вазифаларни белгилаб берганди.

Маълумотларга кўра, Вьетнам балиқ экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Бу ерда йилига 7 миллиард АҚШ долларлик балиқ хориқ давлатларига сотилади. Қолаверса, ҳозирги кунда жаҳонда етиштирилган Осий лаққасининг 50 фоизи ушбу мамлакат ҳиссасига тўғри келади.

Географик жойлашувига кўра, сув ресурсларига жуда бой Вьетнамда қўлларнинг умумий майдони 1,7 миллион гектарни ташкил этади. Суний хазалар эса бугунги кунда 300 — 400 минг гектарга етказилган. Балиқчилик тармоғига ҳусуишлантириш йўлга қўйилгани республикамиздаги ҳўжалиқ юртиш тизимини белгилайди.

Вьетнам технологияси увулдириқларни интенсив усулда етиштириш ҳамда хазаларга юқори тиғизликда ўтказишга асослангани билан алоҳида ажралиб туради. Бундай усул балиқларнинг омикта ем сарфиға нисбатан ривожланиш суръати юқорилиғи, касалликларга чидамлиги билан аҳамиятлидир. Оддий усулда бир гектар хазадан ўртача 15 — 20 центнер балиқ олинса, Вьетнам технологиясида бу кўрсаткични 150 — 200 центнергача етказиш мумкин.

Шу боис бу технологияни балиқчилик ҳўжаликларида кенг жорий қилиш халқимизни арзон ҳамда сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш, қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш орқали экспорт ҳажминини кенгайтириш имконини беради.

— Қарийб ўн йилдан бунён бир қатор давлатларда интенсив технология асосида балиқ етиштириш билан шуғулланиб келамиз, — дейди Вьетнамнинг "Nguyen Duc Chi" компанияси раҳбари Нгуён Ван Чи. — Бу йил Хива туманидаги "Эшон Работ балиқ" фермер ҳўжалиғи билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, уч турдаги 61 минг дона балиқ чавоғини парваришлялғимиз. Хоразмда киш совуқ бўлишини инобатга олиб, яқинда чавоқларни маҳсул қўрилган иссиқхоналар ичидида ҳовузларга қўндрдик. Қўп балиқлар таъминини татиб кўрганман. Аммо Хоразм балиғининг мазаси ўзгача. Бунга қуёш тағти, сувнинг зарарли кимёвий бирикмалардан холилиғи ва фойдалани минералларга бойлиғи асосий сабаб бўлса, ажабмас. Технологиямиз бу ерда



1000 тоннадан зиёд балиқ етиштириш лойиҳасини жорий қилдик, — дейди "Аква Тўдақўл" қўшма корхонаси ҳаммуассисларидан бири — "Шамс-Навийи" фирмаси раҳбари Шавқиддин Жамолов. — Энди Навийи вилотида балиқ етиштириш кўрсаткичи йилига 8,5 минг тоннага етказилади.

Шу кунларда "Аква Тўдақўл" қўшма корхонаси томонидан балиқ чавоғи етиштирувчи инкубацион цех, 250 тонна музлаткичи омборхона, минг тонна балиқни қайта ишлаш, 400 тонна балиқ филеси ҳамда 350 тонна ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш цехлари ташкил этишга киришилган. Лойиҳаниннг умумий қиймати 18,7 миллиард сўм бўлиб, шу асосда 90 га яқин иш ўринлари яратилади.

Вилоятда балиқчиликни суний хазаларда "қафас" усулида ривожлантириш учун ҳам қўлай имкониятлар маъжуд. Худуддан ўтувчи Зарафшон дарёси бўйи ва табиий хазалар атрофида Кармана, Навбахор ҳамда Қизилтепа туманларининг тадбиркорлари бу имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда.

Шолизорда ҳам балиқ етиштириш мумкин

Бу қандай тажриба экан, деб қизиқаятандирсиз? Гап шундаки, айни пайтда Хоразм вилотида балиқ етиштиришда шולי майдонларидан фойдаланиш тажрибаси синондан ўтказилаяпти. Мутахассислар фикрига қараганда, бу усул янада сердаромад ва қўлайдир.

— Шоли 7 — 10 сантиметр бўй чўзган, шוליзорда балиқларнинг "Оқ дўнтешона", "Оқ амур", "Сазан" турига мансуб чавоқларни ташладик, — дейди Янгибозор туманининг Боголон қишлоғидаги "Хоразм фаҳри" фермер ҳўжалиғи раҳ-

ҳамда озиклантириш шартларига риоя этилса, 7-8 тонна шולי, 2 тонна балиқ етиштириш мумкин. Саккиз тонна шолдан 5 тонна гуруч олиб, унинг ҳар килограммининг ўртача 4000 сўмдан ҳисобласак, 20 миллион сўм бўлади. Икки тонна балиқ эса ўртача 35 миллион сўм фойда келтиради. Демак, бир гектар ердан кўриладиган соф фойда 43 миллион сўмни ташкил қилади. Ана, сизга ҳақиқий тадбиркорнинг иш тўғриси! "Қаловини топса, қор ҳам ёнади", деганлари мана шу эмасмикан?!

Фермер бу билан чекланаётгани йўқ. Келгуси йил ушбу тажрибани 10 гектар майдонда қўллаш ниётида. Вилоятда ҳар йили асосий ва тақорий экин сифатида ўртача 50 минг гектар ерда шולי парваришланишини инобатга олсак, қўшимча тармоқдан келадиган фойдани ўзингиз чамалаб кўраверинг.

"Ташаббуснинг қаноти бор", дейдилар. Хоразмлик миришкорлардан ўрناق олган сирдарёлик фермерлар ҳам ушбу лойиҳага жиддий киришилган. Вилоятдаги балиқчиликка иктисослаштирилган 309 та корхона ҳамда фермер ҳўжалиғи маъжуд бўлса, уларга 15,1 минг гектар ер майдони ажратилган. Шундан Мирзаобод туманидаги 90 гектар шוליзорда келгуси йилдан бошлаб балиқ боқиш режалаштирилмоқда.

Барака — озўқада

Балиқчилик — етиштирувчи учун ҳам, қайта ишлаш саноати учун ҳам нисбатан янги соҳа. Бироқ уни ривожлантиришда соҳаниннг давлат томонидан ичмил қўллаб-қувватланётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Наманган вилотида жорий йилиннг ўзида балиқчилик ҳўжаликлариға 5343 тонна омикта ем ва 1300 тоннадан зиёд минерал ўғитлар етказиб берилди. Моддий томондан эса тижорат банклари уларга доимий қўмақ-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

ASAL BAYRAMI 2017-yil 1-10-dekabr «KO'RGAZMA SAVDO MARKAZI» majmuasi Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Beruniy ko'chasi, 41-uy. Mo'ljal — metroning Beruniy bekati.

Жарроҳлик амалиётини автомашинада ҳам ўтказиш мумкин

Андижон вилотидаги соғлиқни сақлаш муассасаларига "Hyundai" русумли 14 та автомобиль ажратилди. — Энди тиббий хизмат қамрови янада кенгайди, — дейди Республика шошлиннг тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали тез тиббий ёрдам бўлими мудири Хайрулло Мамадалиев. — Негаки, ушбу транспорт воситалари барча зарур жиҳоз билан таъминланган. Қолаверса, улар кичик жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун ҳам етарли шарт-шароитга эга.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ Беларусь Республикаси Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан таклиф этади. Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88, (0-371) 291-68-94. www.maz.by E-mail: maztashkent@mail.ru

Халқ сўзи Народное слово Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 74 524 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси